

Маълумки, истиклол йилларида ҳаётимизнинг барча соҳалари катори миллий адабиётимиз ҳам том маънода янгиланиш ва юксалиш жараёнларини бошдан кечирмокда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатида маънавият масаласига энг муҳим ва устувор йўналиш сифатида катта аҳамият бериб келинаётгани бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этмокда.

Давлатимиз раҳбарининг эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу рисола ҳам маънавиятга, унинг ажралмас қисми бўлган бадиий адабиётга бўлган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Унда адабиётимизнинг бугунги куни ва эртанги истикболи, ёзувчилар олдида турган муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида, ижодкорнинг гражданлик позицияси, ижтимоий бурчи ҳусусида атрофлича фикр юритилади. Айни пайтда юртимиз зиёлиларининг энг илгор вакиллари бўлмиш адибларни ўз сафида бирлаштирган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича муҳим амалий таклиф ва ҳулосалар илгари сурилади. Миллатимизнинг руҳи бўлган она тилимизни, халқимизнинг азалий қадриятларини қелгуси авлодларга етказишда адабиётнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканига жиддий ургу берилади. Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор экани, бинобарин, адабиётимиз ривожини учун нафакат ёзувчи ва шоирлар, балки бутун жамият масъул экани алоҳида таъкидланади.

Мазкур рисола ижодкор зиёлилар, филолог олимлар, адабиёт ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг жамоатчилик учун мўлжалланган бўлиб, ундан умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларида адабиёт, миллий гоё, маънавият асослари, фалсафа ва бошқа фан йўналишлари бўйича факультатив дарс, махсус курс ва машгулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳақида гапирганда, табиийки, халқимиз маънавиятининг, миллий тафаккуримизнинг ажралмас қисми бўлган, керак бўлса, унинг ўзагини ташкил этадиган она тилимизни, бой тарих ва қадимий анъаналарга эга адабиётимизни асраб-авайлаб, ривожлантириб келаётган заҳматкаш инсонлар, уларнинг оғир ва масъулиятли меҳнати барчамизнинг кўз олдимиздан ўтади.

Биз шоир деганда, аввало Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Кодирий, Ойбек сингари ўз халки учун нафакат ноёб истеъдоди, айти пайтда бутун ҳаётини бағишлаган буюк ва мўътабар инсонларни тасаввур этамиз.

Бир сўз билан айтганда, халкимиз адабиётни мукаддас ва улуг бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз хаётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг хакконий сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, хурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яккол кўрсатиб турибди.

Хеч шубхасиз, зиёлиларнинг илгор кисми бўлмиш бадий адабиёт вакилларининг халкимиз калбини, унинг олий максадлари, бугунги хаёти, такдири ва келажагини яқиндан биладиган инсонлар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири бекиёсдир.

Энг мухими, ёзувчиларимиз ўтиш даврининг кийинчиликларига карамасдан, ўз ижодига, калб амри билан танлаган касбига содик қолиб, миллий ўзлигимизни англаш, халкимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, маънавий кадрийатларимизни тиклаш ва юксалтириш йўлида хизмат қилиб келаётганини таъкидлаш ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёкарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб биламан.

Мана, хадемай мустакиллимизга ўн саккиз йил тўлади. Шу ўтган даврда биз юртимизда эркин, демократик жамият пойдеворини барпо этиш йўлида янгича рухда ўсиб-улгаяётган навкирон авлодни вояга етказмокдамиз. Савол тугилади: бу жараёнларга ёзувчилар қандай хисса қўшмоқда ва уларнинг олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?

Ўзбек тили, адабиёти бу борада қандай роль ўйнаши керак? Она тилимизни, бадиий тафаккуримизни ривожлантириш орқали халқ маънавиятини юксалтириш йўлида яна қандай ишларни қилишимиз зарур?

Хозирги шиддат билан тез ўзгараётган замоннинг ўзи ўртага қўяётган кескин ва долзарб муаммоларни англаш, таъбир жоиз бўлса, давримизнинг бадийи солномасини яратишга ёзувчиларимиз кодирми?

Мана шундай катта масалалар билан майдонга чикиши керак бўлган Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти бизни, аввало, шоир-адибларимизнинг ўзини кониктирадими?

Жамиятнинг илгор ва онгли вакиллари бирлаштирган мазкур ижодий ташкилот бугун олдимизда турган янги ва юксак марраларга халкни даъват этиш, айникса, таълим ва тарбия, маънавият, маданий ҳаётни ривожлантиришда нима иш қилиши керак, деган саволни кун тартибига қўйиш ўринлидир.

Албатга, адабиёт, ижод ахли фаолиятига баҳо беришда, аввало, уларнинг меҳнати,

махорати ва истеъдоди меваси бўлган асарларидан бахраманд бўладиган кенг китобхонлар оммаси, жамоатчилик фикрига суяниш энг хакконий, демократик ёндашув эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узок йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум гояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган.

Табиийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини қим қўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг қадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайгуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим.

Барчамизга аёнки, ХХI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавий асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илғари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги қунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яъни, ёзувчи «Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшайпсан, инсон деган юсак номга муносиб бўлиш учун нима қилаяпсан?» деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади.

Бундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун ижодкорларимиз, аввало қатта қиммат ва ҳаётини тажрибага, қенг дунёқараш, юсак ижодий маҳоратга эга бўлиши, энг муҳими, бу ўта оғир, қучли иродани талаб этадиган жабҳада ҳақиқий фидойилик қўрсатиши лозимлигини яхши тушунамиз.

Шу боис ҳам ҳаётнинг ўзи Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини ошириш масаласини олдимизга долзарб вазифа қилиб қўймоқца. Мухтасар айтганда, бизнинг бадий ижод соҳасига, бу Уюшманинг бугунги тақдири, эртанги қунига бефарқ бўлишга ҳақ қимиз йўқ.

Бизнинг бу борадаги қарар саъй-ҳаракатларимиз аввало Ёзувчилар уюшмасидаги муҳитни яхшилаш, уни қавжуд оғир вазиятдан қиқаришдек муҳим масалани ҳал қилишга қаратилиши зарур. Бу борада Уюшма аъзолари, шоир ва адибларимизнинг ўзлари нима иш қилиши, айни қайтда давлат, ҳуқумат, Президент томонидан қандай ёрдам қериш қераклигини аниқлаб олишимиз лозим.

Менинг фикрим бўйича, Ёзувчилар уюшмасининг биринчи қарқаридан қортиб оддий

аъзосигача — унинг фаолиятига дахлдор ҳар бир одам ёзувчилар оламининг фикру зикрини, муаммоларини, бу ижодий ташкилотнинг Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама тушунишга қодир бўлиши керак.

Халқимиз йиллар, асрлар давомида орзиқиб кутган озодликка эришиб, ўз тақдирини ўз қўлига олганидан кейин ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарамасдан, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадида амалга ошираётган ишларимизни, энг муҳими, бу борада қандай огир йўللاردан, қандай мураккаб босқичлардан ўтишга тўғри қилаётганини чуқур англаб етишимиз керак.

Адибларимиз айиан мана шундай масалалар устида, бугунги кунда уларнинг сўзи халқ қалбида қандай акс-садо бераётгани ҳақида яна бир бор ўйлаб қўришларини истардим.

Сир эмаски, бугун илгаригидек фақат том-том асарлар чиқариш билан иш битмайди. Ноқулайроқ бўлса ҳам, ўзимизга бир саволни бериб қўрайлик: кенг китобхонлар, айниқса, ҳозирги ёшлар бу асарларни ўқияптими?

Тўғриси айтиладиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан Интернет орқали оляпти, дунёни телевидение, компьютер орқали танияпти. Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғиб-ташвиқ қилмасин, бугунги ёшлар «Ўткан кунлар», «Уруш ва тинчлик» каби мумтоз романларни ёппаси га ўқияпти, деб айта оламизми?

Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман.

Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафақат адабий жараёнга, керак бўлса, бутун маънавий-маърифий ҳаётимизга қучли таъсир ўтказишини сизлар албатта яхши тушунасиш.

Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаи-га айлантириш барчамиз, аввало адабиёт ахлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу борада яна бир муҳим масала устида ўйлаб қўришимиз керак. Яъни, ёзувчиларимиз ўз истеъдоди билан одамларнинг онги ва дунёқараши, маданий савиясини юксалтириш, халқ қалбининг қуйчиси бўлишдек огир ва мураккаб, улуг бир вазифани зиммасига олган экан, аввало эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчини, гражданлик позицияси ва масъулиятини чуқур сезиши, англаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Менинг фикримча, ёзувчилик — бу оддий қасб эмас, ҳудо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу қасбга ҳеч қаерда ўқи қиб, ўргатиб бўлмайди.

Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халки билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садо-кат билан хизмат қилишдир.

Шу маънода, Ёзувчилар уюшмаси юртимиздаги бошқа жамоат ташкилотларидан мутлақо фарқ қилади. Бу Уюшма ҳар бири алоҳида бир олам бўлган ўнлаб, юзлаб шоир ва адибларни, уларнинг нафакат моддий, балки маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун бевосита масъул эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Чинакам ижод ва истеъдод маҳсули бўлган асарларни, ёзувчининг юрагидан, қалбидан чиққан ҳаққоний ва таъсирчан фикрларни кенг оммага етказиш учун барча мав-жуд воситалардан унумли фойдаланиш зарур. Дейлик, эски даврда бўлганидек, ёзувчи нашриёт учун хизмат қилишига чек қўйиш лозим.

Керак бўлса, нашриётлар ҳам, театрлар, радио-телевидение, киностудиялар ҳам ёзувчи ва шоирларнинг ижодини жамоатчиликка, ўқувчи ва томошабинларга етказиш, улар билан ҳамкорлик қилишдан, уларга янада кенгрок минбар беришдан манфаатдор бўлиши лозим. Чунки, бу ижод турларининг ҳам тағи-заминида биринчи навбатда адабиёт, сўз санъати туриши ҳеч қимга сир эмас.

Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини оширишда энг муҳим биринчи масала ижодкор ўзининг ижтимоий бурчини қандай тушуниши билан бевосита боғлиқдир. Нега деганда, адибнинг сўзи, унинг ижодий меҳна-тининг маҳсули жамият таракқиёти учун нақадар зарур эканини барчамиз, аввало шу соҳага кириб келаётган ва шу соҳада фаолият олиб бораётган адибларнинг ўзи яхши англаб олиши керак.

Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб кадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.

Шундан келиб чиқадиган иккинчи масала шуки, бугунги кунда ёзувчиларнинг машаққатли ижодий меҳнатини тўғри ва адолатли баҳолаш учун давлат ва жамият томонидан яна нима иш қилиш керак, деган савол устида ўйлашимиз даркор. Аслида бу ўта мураккаб масала бўлиб, очигини айтганда, бир ёзувчига юқорирок, бошқасига эса пастрок баҳо беришда ҳақам бўладиган одам ҳам, аниқ мезон ҳам йўқ.

Бундай вазифани ўз зиммасига оладиган кишилар, менинг назаримда, жуда огир ва мушкул ишни ўз зиммасига олган бўлади. Нега деганда, инсоннинг ҳиссиётлари, унинг чексиз рухий оламини тасвирлаб берадиган, не-не буюк донишмандлар ҳам ожиз қолган бу ҳаётнинг азалий ва абадий савдоларини ақс эттирадиган ижод соҳасида қандайдир мезон ва меъёрлар механизмини ишлаб чиқишнинг ўзи қийин нарса.

Айтайлик, заводда ишлаб чиқарилган буюм — соат ёки машинанинг сифатига баҳо бериш мумкин, лекин ижод маҳсулига шундай баҳо бериб бўлади-ми? Агар бу масаланинг

мохиятига тўғри етиб борилмаса, ялт этган ёш истеъдодга муносиб баҳо берилмаса, уни ижодий ишдан совутиб, кобилиятини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бу эса гавхарнинг кадрига етмасдан, худдики уни тупрокка қўмиб қўйиш билан баробар, десак, муболага бўлмайди.

Хулоса шуки, адабий жараёнга, шоир ва адиблар фаолиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Менга колса, ўз истеъдоди, кўз нури ва юрак қўрини, бутун борлигини бағишлаб, факат ижод билан шугулланадиган хақикий ёзувчиларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш учун уларга барча шароит ва имкониятларни яратиб берган бўлардим.

Маълумки, Уюшма таркибидаги айнан шу масалалар билан шугулланиши лозим бўлган Адабиёт жамгармаси бугунги кунда молиявий жихатдан ночор ахволга келиб қолган. Шу сабабли унинг ўрнида янги жамгарма — Ижод фон дини тузиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш бу муаммоларни ечишга имкон тугдиради, деб ўйлайман.

Бунинг учун тегишли идора ва вазирликлар билан биргаликда Ижод фондининг низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Бу Фонднинг низом жамгармасини шакллантиришга албатта давлат ўз маблағи билан хисса қўшади.

Шунингдек, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилот ва муассасалар, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағларини ҳам бу жамгармага жалб этиш устида ишлашимиз керак.

Нега деганда, адабиёт масаласи — бу маънавият масаласидир. Бу Фонд ёзувчиларни қўллаб-қувватлаш билан бир каторда, юртимизда ижод соҳасининг, миллий маданиятимизнинг ривож тониши учун, келажакимиз учун хизмат қилишини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Ижодий жараённинг, адабиётнинг асосий бунёдқори — бу ёзувчи ва шоирлардир. Лекин бу ишни факат уларнинг елкасига ташлаб қўймасдан, жамоатчилик, бутун жамиятимиз унга ўз хиссасини қўйиши керак.

Айни пайтда бундай Фонд ёзувчиларнинг ижодий фаолиятини оширишга хизмат қиладими ёки боқимандаликка олиб келадими — бу ҳақда ҳам ҳар томонлама чуқур ўйлаш лозим. Бошлаётган ишларимиз амалий самара бериши, гоёвий-бадий етук асарлар яратишга замин тугдириши учун пухта ўйланган механизмларни яратишимиз зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ижодий фаолият учун қалам хақи тўлаш тизимини қайта қўриб чиқиш керак. Бу — энг нозик масала. Бу тизим адолатли бўлиши, Ёзувчилар уюшмаси ишининг самарасини оширишда рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариши, содда қилиб айтганда, хақикий ижод намунасини қалбаки асарлардан, яъни шолени қурмакдан ажратишга хизмат қилиши керак.

Ижод аҳли учун шарт-шароитларни яхшилаш ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникасини ва

Дўрмондаги ижод уйини таъмирлаш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш лозим.

Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамгармасидан маблағ ажратишни кўзда тутиш, таъмирлаш ишларини 2010 йилда амалга ошириш, жорий йилда эса тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш керак. Шу билан бирга, Дўрмон ижод уйининг бугунги кун талаблари асосида самарали фаолият юритишини таъминлаш учун унинг ҳам низомини ўзгартириш зарур.

Барчамиз яхши англаймизки, адабиётда ҳам анъаналар давомийлиги, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эътибор, уларнинг билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу маънода, Уюшма фаолиятида кекса адибларга эътиборни янада кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Ёши улуг ёзувчиларга, асарлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қиладиган оксоқолларга ёрдам тариқасида Ижод фондидан маълум миқдордаги маблағни Ёзувчилар уюшмасининг қарори билан уларга бериб бориш айтиш муддао бўлур эди.

Бундай савобли ишни маданият ва санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам жорий этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Учинчи масала. Бу чора-тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад — Ёзувчилар уюшмасининг ҳаётимизда-ги ўрни ва нуфузини янада оширишдан иборат. Токи Уюшмага аъзо бўлган ҳар қайси инсон авваламбор бу ташкилот унинг ижодини ривожлантириш, асарларини жамоатчиликка етказиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалий ёрдам ва кўмак беришга қодир эканини яқиндан ҳис қилиши лозим.

Ўзимизга савол берайлик: ҳўп, бир қаламқаш уюшмага аъзо бўлди. Бунинг таъсирини бугунги кунда у ўз ижоди-да, ҳаётида сезадими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Яъни, ёзувчиларда Уюшма мени ўз бағрига олди, энди хотиржам бўлиб, ижод билан шугулланишим мумкин, деган тушунчани ҳис этиш, шундан қониқиш ҳосил қилиш йўқ.

Уюшма — бу бирлашма дегани. Шундай экан, ягона эзгу мақсад йўлида бирлашган одамлар бир-бирига елкадош бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаши керак эмасми?

Уюшма раҳбариятининг асосий бурчи, вазифаси, такрор айтаман, биринчи навбатда ижодкорлар учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат бўлиши керак. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса аввало моддий асос, молиявий заминга эга бўлиш лозим.

Шу билан бирга, Ёзувчилар уюшмасининг сифат таркибини ҳам қўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу муқаддас даргоҳ не-не улуг ижодкорларнинг қутлуг номлари, ижодий мероси билан боглиқ. Шундай экан, Уюшма ўзининг обрў-эътибори ва юксак мақомига муносиб бўлиши, адабиётни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб қиладиган фидойи инсонларгина бу ташкилотга аъзо бўлиши керак.

Тўртинчи масала — ёш ижодкорлар билан ишлаш масаласи. Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларнинг икtidорини рўёбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмокда. Ёш адиб ва шоирлар, адабий танкидчиларнинг ҳар бири ўз асарлари билан адабий жамоатчилик назаридан, ижодий танловлар, жиддий тақризлардан ўтиб, тегишли эътирофга сазовор бўлиб, шундан кейингина адабиёт майдонига ва Уюшма аъзолигига кириши лозим. Авваламбор, устоз адибларни, Ёзувчилар уюшмасининг тажрибали ва нуфузли аъзоларини ёшлар билан ишлашдек муҳим жараёнга кенг жалб қилишимиз даркор.

Уюшма низомида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш, умуман, бу борада алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Айниқса, вилоятларда бу ишни алоҳида қўриб чиқиш ва назоратга олиш керак.

Уюшма аъзолигига даъвогарларнинг асарларини баҳолашда истеъдод ва факат истеъдод асосий мезон бўлиши зарур. Бунинг учун нафакат марказда, балки жойларда ҳам фаолият қўрсатаётган ижодий тўғарак ва семинарларнинг иш самарасини ошириш, баҳс-мунозаралар, мушоиралар, фикр алма-шувлар, шу билан бирга, устоз ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат мактабини ўрганиш бўйича машгулотлар олиб боришни қучайтириш даркор.

Ёш ижодкорлар ўртасида ўтказиладиган танловларда катнашаётган каламкашлар орасидан энг яхши истеъдод эгаларини танлаб олишда Ёзувчилар уюшмаси асосий ташаббускор бўлиши, бу ишларни «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда амалга ошириши зарур.

Бу борада амалий натижа бермаётган баъзи бир юзаки тадбирлар ҳам борки, улар бугун ўзини қанчалик оқлапти — бу масалани ҳам алоҳида қўриб чиқиш керак. Умуман, ёш ёзувчиларнинг ижодий семинарларини санаторийларда, хушхаво қаманларда ўтказиш шартми? Ахир, ёзувчи зоти доимо ҳаёт қўйнида бўлиши, унинг қайноқ нафасини сезиб туриши керак эмасми?

Ижод — бу ўзини қийнаш, машаққат чеқиш, ҳузур-халоватдан воз кечиш, том маънода фидойилик демақдир. Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду ғами билан яшаши, халқ ичига қириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз.

Шундай экан, нима учун бу анжуманлар турли вилоятларда эмас, ҳар йили бир жойда ўтади? Қолаверса, бу семинарларга номзодларни танлаб олиш бўйича аниқ тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ҳақида ҳам бош қотириш фурсати етди, деб ўйлайман.

Бешинчи масала. Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарафиддинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдиргандекмиз. Яъни, у киши «Жаҳон адабиёти» журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш бидан боглиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаяпмиз. Қолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний

кадриятлар рухида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қисқача айтганда, бошқа соҳалар катори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни қучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, кадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин — бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Мен бу борада Гарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт каби араб давлатлари билан алоқаларни қучайтиришни тавсия этган бўлардим.

Бундай ижодий ҳамкорлик алоқаларини боғлашда албагга ўзаро тенглик, ҳурмат ва самимият ҳаят зарур. Шуни унутмаслик керакки, ўзбек миллати, ўзбек халқи — ҳудонинг назари тушган миллат. Ўзбекистон — Оллох назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч қимдан қам эмас ва ҳеч қачон қам бўлмайди.

Энг охириги масала — нашриётлар ва нашр масаласи. Бугунги кунда нашриётларга тўла эркинлик берилган, уларнинг фаолиятига ҳеч қим ҳетдан туриб аралаша олмайди. Лекин ана шу эркинликни тўғри тушуниш, масалага масъулият билан ёндашиш дарқор. Яъни, фақат иқтисодий манфаат ортидан қувиб бадиий жихатдан заиф, миллий маънавиятимиз, кадриятларимизга тўғри қелмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган қитоблар нашр этилишига йўл қўймаслик керак.

Айниқса, адабий жараён қўзғуси бўлган газета ва журналларда шеър ва ҳикояларни ҳоп этишда талабчанлик ва масъулиятни янада қучайтириш керак, десам, ўйлайманки, муҳтарам адабларимиз ҳам бу фикрга қўшиладилар.

Бунда, айниқса Уюшма муассислигида ҳоп этиладиган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Ёшлик», «Амударё» журналлари фаолиятини ҳар томонлама қучайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шаклу шамоили, мавзу-мундарижасини яхшилаш, муаллифлар, ижодий жамоатчилик билан қенг ҳамкорликда иш олиб боришни таъминлаш, сўзсиз, катта аҳамият қасб этган бўлур эди.

Бундан ташқари, ҳар бир қитоб, ҳар бир бадиий асарнинг талаб даражасида ҳоп этилишида Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ўз тарқибиди истеъдодли, ҳолис ва адолатли адаб ва мунаққидларни бирлаштирган ижодий қенгашларнинг самарали фаолият қўрсатишига эришиш керак.

Ёш ижодқорларнинг асарларини ҳоп этишга ҳам айнан шу қўз билан қараб, бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай ёндашув марҳум Муҳаммад Юсуф каби ҳақиқий истеъдодларни қашф этиш ва уларнинг ижодини халққа етказишда энг тўғри ва адолатли йўл бўлади.

Менимча, бу масаланинг асосий калити — чинакам иктидор эгаси бўлган ёш ижодкорларнинг биринчи китобини давлат хисобидан чоп этишдан иборат. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан шартнома тузиб, бу китобларни уларнинг кутубхоналарига, ахборот-ресурс марказларига етказиб бериш ва шу тарика минг-минглаб фарзандларимизнинг бу асарлардан бахраманд бўлишига эришиш мумкин.

Шу билан бирга, академик лицей на касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг ана шу китоблар хақидаги фикрларини ўрганиш ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айникса, биз учун гоёат муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши, ҳар қандай китобхонлик, мутолаа маданияти болаликдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Ёш истеъдодларни айнан ана шундай талаблар асосида камол топтириш, уларнинг адабиёт оламида ўз муносиб ўрнини эгаллашини гаъминлаш учун Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгашининг фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқиш ва янги асосда қайта ташкил этиш лозим.

Мана шу фикрларни сизларга муро-жаат тариқасида етказиб, бу масалалар хусусида сизлар билан, яъни, давлат ва ижодий ташкилотлар билан биргаликда бош қотириб, тегишли ҳулоса ва қарорлар чиқариш ўринли, деб биламан.

Шу билан бирга, илгари билдирган бир фикримни таъкидлаб айтмоқчиман: агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди.